



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИДА БАНК ЭКОТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Шамшиев Сардор

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-1476-3169

sardor_sh_1996@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада банк экотизимларини Ўзбекистон Республикаси миллий банк-молия соҳаларида жорий қилишнинг назарий-услубий жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек, банк бизнесида рақамли технологияларни ривожлантириш масалалари кўриб ўтилган. Шу билан бирга банк фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантириш муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: банк, необанк, анъанавий банк, тижорат банклари, рақамли иқтисодиёт, молиявий технология, экотизим, банк экотизими, банк масофавий хизматлари, тўлов тизими, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.

БАНКОВСКАЯ ЭКОСИСТЕМА В БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Шамшиев Сардор

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье анализируются теоретические и методологические аспекты внедрения банковских экосистем в национальном банковском и финансовом секторах Республики Узбекистан, а также рассматриваются вопросы развития цифровых технологий в банковском бизнесе. Одновременно выявляются проблемы развития цифровых технологий в банковской деятельности и предлагаются способы их устранения.

Ключевые слова: банк, необанк, традиционный банк, коммерческие банки, цифровая экономика, финансовые технологии, экосистема, банковская экосистема, дистанционное банковское обслуживание, платежная система, безналичные платежи.

BANKING ECOSYSTEM IN BANKS OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Shamshiev Sardor

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the theoretical and methodological aspects of the implementation of banking ecosystems in the national banking and financial sectors of the Republic of Uzbekistan, as well as considers the issues of developing digital technologies in banking business. At the same time, problems in the development of digital technologies in banking activities are identified and proposals are made to eliminate them.

Keywords: bank, neobank, traditional bank, commercial banks, digital economy, financial technology, ecosystem, banking ecosystem, remote banking services, payment system, cashless payments.

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётида банк экотизимлари фаолиятини баҳолаш ва ривожлантириш платформа-асосли бизнес моделлар, “банк-молиявий технологиялар-йирик технологик платформалар ҳамкорлиги” ҳамда банк хизматлари ва маълумотларининг бир қисмини дастурлар ўртасидаги интерфейс (АПИ) орқали учинчи томон сервисларига хавфсиз тарзда интеграциялаш шароитида қиймат яратиш механизмини аниқлаш ва барқарор рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Экотизим самарадорлигини ўлчаш (мижоз тажрибаси, транзакция тезкорлиги, кросс-сотув, рисклар ва компланс) банкнинг даромад диверсификацияси, молиявий инклюзия ва хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади, бироқ киберхавфсизлик, маълумот махфийлиги ва модел рисклари каби янги таваккалчиликларни ҳам кучайтиради. Шу сабаб экотизимни ривожлантиришда маълумотларни бошқариш тизими, риск-менежмент ва регулятор талабларини архитектурага интеграция қилиш, шунингдек ҳамкорлар билан даромад ва риск тақсимотини оқилона қуриш ҳал қилувчи омилга айланади.

“Банклар рақамли трансформация шароитида рақобатбардош бўлиб қолиш учун маълумотлар ва платформаларга таянган ҳамкорлик моделларини ривожлантирмоқда” (Saraugusso, Hardy, 2022). Бундан кўринадики, банк экотизимлари натижадорлигини баҳолаш индикаторлари ва уларни ривожлантиришнинг институционал-технологик механизмларини илмий асосда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларида 2026 йил 1 сентабрга қадар банклар, тўлов ташкилотлари ва молиявий технологиялар бозори иштирокчилари ўртасида хавфсиз ва стандартлашган маълумот алмашинувини таъминлайдиган “очиқ банкинг” тизимини жорий этиш” вазифаси қўйилган бўлиб, бу экотизим самарадорлигини КРІ ва маълумотларни бошқариш тизими орқали баҳолаш учун методологик асос яратади (Қарор, 2025).

Шу билан бирга, банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси доирасида банкларни 24/7 тезкор тўловлар тизимига улаш ва масофавий тўловлар улушини ошириш каби чоралар экотизимда реал-вақт хизматларни ривожлантиришга хизмат қилади (Фармон, 2020). Электрон тўловлардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича қарорлар эса ташкилотларни электрон тўлов тизимларига мажбурий улаш ва 2025-2030 йилларда электрон тўловлар улушини ошириш режасини ишлаб чиқиш орқали бозор қамровини кенгайтиради (Қарор, 2025).

Шу боис банк экотизимлари натижадорлигини баҳолаш индикаторлари, маълумотлар алмашинуви ва риск-менежмент архитектурасининг амалдаги таъсирини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш мазкур вазифаларни самарали амалга оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Жаҳоннинг етакчи молия-кредит институтлари янги шароитларга мослашиш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрмоқда, бу эса банк бизнесида янги стандартларни шакллантиради. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз молия-кредит ташкилотлари ҳам шу каби муаммолар билан шуғулланмоқдалар, аммо улар бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда: биринчидан, баъзи банклар жараёнларнинг умумийлигини талаб қиладиган тизим сифат ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда, фақат айрим ўзгаришлари орқали янги технологик даражага чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Миллий бозорда жаҳон глобал тенденциялардан сўнг “экотизим” деб аталадиган янги ҳодиса пайдо бўлди. Бу ярим тузилган активлар тўплами эмас ва аниқ иерархияси ва марказлашуви билан Жанубий Корея чаebolларининг ҳам ўхшаши эмас, умуман олганда у корпоратив марказдан пастга бошқарув вертикаллари билан боғланган

саноат ёки молиявий гуруҳлар тўплами ҳам эмас. Чунки бизнес 21-аср контекстига энг органик тарзда мос келадиган шаклларни ўзи мустақил равишда топади. Ушбу янги модел учун энг адекват тушунча бу "экотизим" атамасидир.

Микродаражада молиявий технология(Fintex) экотизимлари молиявий технология маҳсулотлари экотизимлари билан ифодаланади, улар ўзига хос "хаблар" бўлиб, уларнинг янада ўсишига ёрдам беради.

Fintex маҳсулотининг маълум бир экотизими бошқа маҳсулотларга унинг интерфейсидан воситачи сифатида фойдаланиш имконини беради, бу эса уларнинг қийматини яқиний фойдаланувчига етказиши.

Иқтисодиётда экотизимларни яратиш жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилишда фанлараро эволюцион ёндашувга мос келади ва у "эволюцион иқтисодиёт" номини олади.

"Экотизим" атамасининг ўзи иқтисодиётга биологиядан кириб келган. Экотизимнинг асосий ғояси ўзаро боғлиқликдир. Ўзаро боғлиқлик туфайли экосистема элементлари ўсиб боради. Шу билан бирга, экотизимнинг омон қолиш имконияти у билан боғлиқ тирик организмлар сонининг кўпайиши билан ортади (иқтисодиётга нисбатан - бу корхоналар, ташкилотлар ёки бошқа ҳар қандай институтлар).

Шундай қилиб, масалан, Айрес (2004) табиий жараёнлар ва иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналар фаолияти соҳалари ўртасида ўхшашликларни келтириб чиқаради. Корхоналар ўз моҳиятига кўра тирик организмларга ўхшайди. Улар ҳам худди тирик организмлар сингари моддий ресурсларни истеъмол қилади, уларни қайта ишлайди, тайёр маҳсулот ёки хизмат ишлаб чиқаради, қўшимча чиқиндилар ҳосил қилади ва у ёки бу неъматлар учун ўзаро рақобатлашади.

Power, Жержиан (2001) турли экотизимларнинг афзалликларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтишган: "Табиатда ҳар хил турлар бутун жамоа учун неъматлар ишлаб чиқаришда бир-бирига ёрдам беради. Масалан, маржон рифида маржон полипи асосида яратилган жамоа мавжуд. Бизнесда бўлгани каби, экотизим кўпинча кўплаб алоқаларга эга бўлган битта компания асосида қурилади". Ушбу муаллифларнинг фикрича, экотизимнинг таърифи ўзаро муносабатларнинг маълум бир турини ташкил этиши ва унинг таркибий хусусиятларини акс эттириши керак. Уларнинг фикрига кўра, экотизимларнинг асосий таркибий хусусияти экотизимлардаги ўзаро таъсирнинг стратегик жиҳатдан фарқли табиатини белгилайдиган қўшма ихтисослашув каби хусусиятдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда аксарият молиявий хизматлар мобил иловалар интерфейси орқали банкларнинг чакана mijozлари учун транзакциялар ва фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар кредит ташкилотлари томонидан riskларни баҳолаш, хизматларни шахсийлаштириш ва ўзаро сотиш учун фойдаланилади.

Экотизимларда иштирок этиш банклар учун қуйидаги истиқболларни очади.

Биринчидан, улар cross-сотувлар орқали mijozларни жалб қилиш ва даромаднинг ўсишини тезлаштириш имкониятига эга бўладилар. Бу, айниқса, анъанавий сегментларда юқори улуши туфайли ўсиш истиқболлари чекланган йирик банклар учун долзарбдир. Шу билан бирга, бундай имконият номалиявий бизнесни мустақил равишда ривожлантирадиган банклар учун ҳам, ҳамкорлар ёрдамида экотизимни яратадиган банклар учун ҳам бир хил даражада мавжуд.

Иккинчидан, энг муҳими, экотизим молиявий хизматлар сегментига кирувчи технологик компаниялар билан самарали рақобат учун зарур шартга айланиши мумкин. Анъанавий банк маҳсулотларининг кўпчилиги, масалан, истеъмол кредитлари юқори даражада стандартлаштирилган.

Бу шуни англатадики, истеъмолчи учун ҳал қилувчи омиллар етказиб берувчининг бренди эмас, балки уларнинг мавжудлиги ва нархи ҳисобланади.

Учинчидан, фойдаланувчилар тўғрисидаги қўшимча маълумотлар банклар томонидан уларнинг кредит хатарларини янада аниқроқ баҳолаш ва молиявий маҳсулотларни сотишни мақсадли йўналтириш учун ишлатилиши мумкин.

Нихоят, номолиявий секторга кенгайиш банкларга масофавий хизмат кўрсатиш моделларига ўтиш туфайли мижозлар томонидан камроқ талаб қилинадиган чакана савдо шохобчалари тармоғини ишга туширишга ёрдам бериши мумкин.

Янги ечимлар мижозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатларини сезиларли даражада камайитиришга, мавжуд ва янги хатарларни баҳолаш ва олдини олишга, янги даромад манбаларини топишга ва бошқаларга ёрдам беради.

Шу сабабли, банкда мавжуд бўлган катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашнинг улкан имкониятлари оқимни йўналтириш, унга ноёб таклифлар яратиш ва уларни бошқа ресурслар, масалан, рақамли савдо билан бирлаштириш имконини беради. Буларнинг барчаси банк хизматлари таъминлайдиган молиявий инфратузилма ичида ишлаши мумкин.

Тадқиқот методологияси.

Банк тизимида замонавий молиявий технологияларни ривожлантириш (банклар фаолиятида банк экотизимларини жорий этиш) бўйича илмий ишни амалга ошириш жараёнида банк соҳасини рақамлаштириш билан машғул бўлган олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинди, эксперт баҳоси берилди, иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларга тизимли ёндашув амалга оширилди, муаллиф тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилинди, таклиф ва тавсиялар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

“Рақамли банклар”, “рақамли банкинг”, “мобил банкинг”, “онлайн банкинг” ҳамда “банкларнинг рақамли трансформацияси” каби глобал миқёсда кенг тарқалган тенденциялар ахборот-коммуникация технологияларининг навбатдаги ривожланиш босқичини ифодалагани қолмай, балки анъанавий банк тизимининг тубдан ўзгариши ва уни рақамли банк моделига босқичма-босқич айлантириш жараёнини ҳам тезлаштирди.

Молиявий ва технологик тенденцияларнинг шаклланишига туртки берган асосий катализаторлар сифатида икки омил қайд этилади:

2008-йилги глобал молиявий инқироз тажрибаси. У мазкур соҳадаги анъанавий моделнинг жиддий камчиликларга эга эканини очиқ намоён қилди. Молиявий институтлар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг классик механизми глобал инқирозга олиб келгани, бу тизимни тубдан янгилаш зарурлигини кўрсатди.

Замонавий жамиятда ёш авлоднинг янги истеъмолчилар гуруҳи сифатида шаклланиши кузатилмоқда. Ушбу авлод вакиллари анъанавий банк, суғурта ва бошқа молиявий хизмат кўрсатувчи институтлар томонидан таклиф этилаётган классик хизмат кўрсатиш моделларига нисбатан янада танқидий ёндашувни намоён этади. Улар учун молиявий хизматларнинг фақат мавжудлиги эмас, балки унинг қандай шаклда ва қандай тезликда тақдим этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги истеъмолчилар молиявий ташкилотни танлаш жараёнида бир қатор устувор мезонларга эътибор қаратадилар. Жумладан, хизматларнинг мобил платформалар орқали амалга оширилиши, фойдаланувчи учун қулай интерфейс ва соддалаштирилган жараёнлар, операцияларнинг тезкор бажарилиши ҳамда хизматлар нархининг мақбуллиги асосий омиллар сифатида ажралиб туради. Шунингдек, ахборотнинг визуал ва интерактив шаклда тақдим этилиши ҳам мижозлар тажрибасини яхшилашда муҳим рол ўйнайди.

Мазкур тенденциялар молиявий хизматлар бозорида рақамли ёндашувларнинг аҳамияти ортиб бораётганини ва истеъмолчиларнинг талаб ва кутишлари сезиларли даражада ўзгараётганини кўрсатади (CoinSpot, 2016).

Рақамли банк бизнес модели офис инфратузилмаси, ходимлар сони, техник жиҳозлар ҳамда уларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради. Натижада, турли ҳисоб-китобларга кўра, банк операцияларини амалга ошириш таннархи бир неча баравардан ўн марталаргача арзонлашиши мумкин.

Бундан ташқари, рақамли муҳитда ҳисобварақларни очиш ва ёпиш жараёнлари соддалашади ва тезлашади, кредит ҳамда депозит маҳсулотлари бўйича рақобатбардош фоиз сиёсатини юритиш имконияти кенгайди. Онлайн хизматларнинг ривожланиши эса мижозлар қамровини кенгайтириб, жисмоний филиалларга боғлиқликни камайтиради ва навбатлар билан боғлиқ муаммоларни деярли бартараф этади.

Шу билан бирга, рақамли банк хизматларининг айрим обектив чекловлари мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Хусусан, бундай хизматлар кўпинча муайян технологик саводхонликка эга бўлган фойдаланувчилар сегментига йўналтирилган бўлиб, аҳолининг барча қатламларини тўлиқ қамраб ололмайди. Айниқса, замонавий рақамли технологиялардан етарли даражада фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмаган кекса авлод вакиллари ва нафақахўрлар учун ушбу хизматлардан фойдаланиш нисбатан мураккаблик туғдириши мумкин.

Молиявий хизматларнинг жадал технологик ўзгариши ва рақамлаштирилиши янги иштирокчилар, финтех банклари ёки необанкларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Необанк "100 фоиз рақамли бўлган ва мижозларга мобил иловалар ва шахсий компьютерлар орқали хизмат кўрсатадиган тўғридан тўғри банк" сифатида таърифланади (Амон ва бошқалар, 2024).

1-жадвалда анъанавий банк бизнес моделига нисбатан уларнинг бизнес моделининг асосий хусусиятлари умумлаштирилган. Унда икки бизнес-модел ўртасидаги бир қатор фарқлар кўрсатилган, улардан асосийси - жисмоний филиалларнинг йўқлиги ва необанкларга 24/7 кириш имкониятидир. Шундай қилиб, необанклар инновацион бизнес модели билан анъанавий банк моделларига муқобил бўлган ушбу рақамли ривожланишнинг асосий иштирокчилари сифатида намоён бўлди. Ушбу рақамли, технологияларга асосланган молиявий муассасалар фақат онлайн режимда ишлайди, бу эса қийинчилик туғдиради.

Бундан ташқари, рақамли банк инфратузилмаси етарлича ривожланмаган ҳудудларда, яъни банк терминаллари ва тармоқ қамрови чекланган жойларда молиявий операцияларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади. Шунингдек, пластик ёки виртуал карталар ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатлар айрим истеъмолчиларнинг анъанавий банк хизматларига мурожаат қилишини сақлаб қолмоқда.

Умуман олганда, мамлакат тижорат банкларида онлайн ва масофавий банк хизматларини жорий этиш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, банк хизматларини истеъмолчилар эҳтиёжларига мослаштириш жараёни ҳали етарли даражада тез ривожланмаган. Аксарият маҳаллий банклар ҳозирги босқичда мижозларга нисбатан чекланган функционал имкониятларга эга бўлган онлайн хизматлар пакетини тақдим этмоқда, бу эса рақамли трансформация жараёнининг янада чуқурлаштирилишини талаб этади (Бобохўжаев, 2019).

Ўзбекистонда рақамли банкларнинг ривожланиш жараёнини секинлаштирувчи асосий омиллар қаторига мослаштирилмаган норматив-ҳуқуқий база ҳамда етарли даражада ривожланмаган технологик инфратузилма киради. Ушбу инфратузилма таркибига маълумотларни қайта ишлаш марказлари, юқори малакали ахборот технологиялари мутахассисларининг етишмаслиги, интернет тармоғининг қамрови ва

тезлиги, шунингдек, рақамли хизматларни барқарор ишлашини таъминловчи бошқа техник имкониятлар киради.

1-жадвал.

Необанкинг ва анъанавий банк бизнес моделини таққослаш
(Амон ва бошқалар, 2024)

Хусусиятлар	Необанклар	Анъанавий банклар
Ҳаракатдаги	Фақат рақамли платформалар орқали, смартфонлар, ақлли соатлар ва компьютерлар орқали фойдаланилади.	Асосан жисмоний филиаллар ва камроқ рақамли банк платформалари.
каналлар	Кўпинча рақамли платформалардаги ёрдам марказлари сифатида билдиришномалар ва сунъий интеллектга асосланган чатботлар орқали, электрон почта орқали ва камроқ ҳолларда телефон орқали	Асосан банк филиалида жисмоний алоқа ёки телефон орқали, камдан-кам ҳолларда электрон почта ёки рақамли банк платформаси билдиришномалари орқали.
Алоқа каналлари	Жисмоний филиаллар ва банкоматлар йўқлиги сабабли операцион харажатлар камроқ.	Банкоматлар ва жисмоний шохобчалар тармоғини сақлаш ҳисобига катта операцион харажатлар.
Харажатлар таркиби	Саёҳат, спорт, ақлли қурилмаларни суғурталаш, крипто-савдо, экологик тоза корхоналарга инвестициялар каби янги ва инновацион суғурта ва инвестиция маҳсулотлари ва бошқалар.	Анъанавий суғурта ва инвестиция маҳсулотлари билан анъанавий банк маҳсулотлари ва хизматлари ўтказилаётган бизнесда камроқ улушни эгаллайди.
Маҳсулотлар ва	Кўпинча маълум бир мижозларга, айниқса кичик бўшлиқлар ёки мижозлар сегментларига. Кўплаб необанклар фақат вояга етмаганлар, кичик ва ўрта корхоналар, муайян ирқ, миллат, жинс ёки динга ихтисослашган.	Камроқ аниқ, асосан уй хўжаликлари ва корхоналарга қаратилган.
хизматлар	Чекланмаган, хизматлар 24 соат ишлайди.	Иш соатлари билан чекланган.
Стратегик йўналиш	Жуда тез, бир неча дақиқада, қаерда ва куннинг қайси вақтида бўлишидан қатъи назар.	Секинроқ, тўловларни амалга оширишнинг иш соатлари билан чекланган.
Иш вақти	Рақамли саводхонлик, ақлли қурилмалар ва интернетга кириш.	Банкнинг рақамли платформаси учун жисмоний банк филиалига ёки ақлли қурилмага ва Интернетга кириш.

Умуман олганда, мамлакат тижорат банкларида онлайн ва масофавий банк хизматларини жорий этиш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, банк хизматларини истеъмолчилар эҳтиёжларига мослаштириш жараёни ҳали етарли даражада тез ривожланмаган. Аксарият маҳаллий банклар ҳозирги босқичда мижозларга нисбатан чекланган функционал имкониятларга эга бўлган онлайн хизматлар пакетини тақдим этмоқда, бу эса рақамли трансформация жараёнининг янада чуқурлаштирилишини талаб этади (Бобоҳўжаев, 2019).

Ўзбекистонда рақамли банкларнинг ривожланиш жараёнини секинлаштирувчи асосий омиллар қаторига мослаштирилмаган норматив-ҳуқуқий база ҳамда етарли даражада ривожланмаган технологик инфратузилма киради. Ушбу инфратузилма таркибига маълумотларни қайта ишлаш марказлари, юқори малакали ахборот

технологиялари мутахассисларининг етишмаслиги, интернет тармоғининг қамрови ва тезлиги, шунингдек, рақамли хизматларни барқарор ишлашини таъминловчи бошқа техник имкониятлар киради.

Ҳозирда банк тизимида рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш ҳисобига барча аҳоли пунктларида, республикамизнинг ҳамма ҳудудларига кенг тармоқли банк хизматларини жорий этиш орқали турли банк мижозларини замонавий банк хизматларини кўрсатиш ҳисобига қамраб олиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2026 йил охиригача иқтисодиётнинг реал сектори, молия ва банк секторларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 70 фоизгача ошириш режалаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025).

Рақамли иқтисодиёт шароитида банклар рақобат устунлигига фақат мижозлар ҳақидаги маълумотлардан самарали ва тизимли фойдаланиш орқали эришиши мумкин. Бу эса келажакда банк экотизимларининг мижозлар билан ўзаро алоқанинг асосий модели сифатида шаклланишига олиб келади. Натижада, банклар нафақат молиявий, балки молиявий бўлмаган хизматларни ҳам интеграциялашган ҳолда таклиф этувчи платформаларга айланиши кутилади. Бундай ёндашув мижозларга исталган жой ва вақтда кенг қўламли хизматлардан фойдаланиш имконини яратади ҳамда рақобатни хизматлар сифати ва қамрови асосида кучайтиради.

Хулоса ва таклифлар.

Банк муҳитига жорий этилган рақамли технологиялар “рақамлаштириш” орқали кўрсатилаётган банк хизматларининг бутун мажмуасини қамраб олади. Шундай қилиб, жаҳон банк тизимида амалга оширилаётган кўплаб операциялар нафақат анъанавий банк амалиётларининг рақамли шаклга ўтишини, балки аҳолига хизмат кўрсатишнинг муқобил ва инновацион йўналишлари — хусусан, финтех хизматларининг кенгайишини ҳам ўз ичига олмоқда. Бу эса молиявий хизматлар соҳасида рақамли трансформация жараёнининг чуқурлашиб бораётганини англатади.

Айнан банкларнинг рақамли трансформацияси мижозларнинг хоҳиш-истакларини аниқ тушунишга имкон берадиган замонавий каналлар, технологиялардан фойдаланиш орқали мижозларни сақлаб қолиш, банк бизнесини кенгайтириш, ёш авлоддан янги мижозларни жалб қиладиган замонавий рақамли хизматлар орқали харажатларни камайитириш ва рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради.

Умуман олганда, рақамли технологиялар банкларнинг трансформацияси ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйновчи асосий омил сифатида эътироф этилади.

Биринчидан, рақамли трансформация банк тизими тузилмасини модернизация қилиш ва ортиб бораётган маълумотлар оқимини самарали қайта ишлашни талаб этади. Шу сабабли сўнгги йилларда банклар ўз фаолиятини янги технологик шароитларга мослаштириш мақсадида “янги авлод банк тизими”ни жорий этиш йўналишида изланишлар олиб бормоқда. Тезкор технологик ўзгаришлар шароитида банклар доимий янгиланиб бораётган талаблар, тартибга солиш механизмлари ва инновацион ечимларга мослашишга мажбур бўлмоқда.

Иккинчидан, катта маълумотлар (BIG DATA) технологияларининг ривожланиши банкларга катта ҳажмдаги ахборотни самарали бошқариш ва уни стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида қўллаш имконини бермоқда. Бу эса рақобатбардош банклар учун муҳим устунлик сифатида хизмат қилмоқда.

Учинчидан, банк хизматларини ташкил этиш ва тақдим этиш каналларини модернизация қилишда ҳам рақамли технологиялар муҳим рол ўйнамоқда. Натижада банк филиалларининг анъанавий функциялари босқичма-босқич ўзгариб, уларнинг ўрнини автоматлаштирилган тизимлар ва интеллектуал хизмат кўрсатиш платформалари эгалламоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби, Ўзбекистон банк тизимида ҳам мижозларга рақамли ва инновацион хизмат турларини жорий этиш кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда пластик карталар асосида тўлов тизимларини ривожлантириш, жумладан кредит карталарини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ижобий натижалар бермоқда.

Аммо ҳаётимизга янги рақамли воқелик кириб келиши билан аҳоли, айниқса, кекса ёшдаги ва рақамли технологиялар билан таниш бўлмаган фуқаролар учун мунтазам маҳорат дарслари ўтказиш ва босқичма-босқич тушунтиришлар билан босма услубий қўлланмаларни тарқатиш орқали уларнинг билимини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда банклар жуда кўп, "пулдан-пул" яшаш қийин бўлиб қолди, шунинг учун савол туғилади: қандай йўлни танлаш керак? Бундай рақобатда эртанги кун мижозини ўйлаб, шунга яраша маҳсулот ярата олган банкларгина ютиб чиқиши мумкин.

Бир нарсани аниқ башорат қилиш мумкин – Ўзбекистонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рақамли технологияларнинг юқори интеграциялашуви даражаси бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд, бу эса аҳолининг кундалик ва молиявий ҳаётини осонлаштириш ва яхшилаш, шунингдек, шубҳасиз мамлакатнинг инвестиция жозибадорлигини оширади.

Адабиётлар / Литература/References:

Amon, A., Jagrič, T. and Oplotnik, Ž.J. (2024) 'The neobanks and sustainability', *Journal of Infrastructure, Policy and Development*, 8(9), article 7623. doi: 10.24294/jipd.v8i9.7623.

Ayres, R.U. (2004) 'On the life cycle metaphor: Where ecology and economics diverge', *Ecological Economics*, 48(4), pp. 425–438.

Caparusso, J. and Hardy, B. (2022) 'Coco bonds: unpacking the risk', *BIS Quarterly Review*, September, pp. 41–52. Bank for International Settlements. Available at: https://www.bis.org/publ/qtrpdf/r_qt2209f.htm

CoinSpot (2016) 'FinTech', *CoinSpot moliyaviy innovatsiyalar elektron jurnali*. Available at: <http://coinspot.io/fintech/> (Accessed: 3 July 2026).

Power, T. and Jerjian, G. (2001) *Ecosystem: Living the 12 principles of networked business*. Harlow: Pearson Education Ltd.

Бобоҳўжаев, Ш.И. (2019) 'Ўзбекистон банкларининг республикаимизнинг рақамли иқтисодиётидаги аҳамияти', in *Машинасозлик корхоналарида иқтисодиёт ва бошқарувнинг долзарб муаммолари, инновацион иқтисодиётда нефт ва газ саноати: XI Халқаро илмий-амалий конференция материаллари*. Перм, 28 апрель 2019.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.02.2025 йилдаги 117-сон қарори. Электрон тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Available at: <https://www.lex.uz/uz/docs/-7416182>

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2025 йилдаги ПҚ-359-сон қарори. Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Available at: <https://lex.uz/uz/docs/-7864242>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025) Йиллик ҳисоботлар. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сон фармони. 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида. Available at: <https://lex.uz/uz/docs/-4811025?ONDATE>